SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 5-AVGUST ■ SESHANBA ■ 91 (27.111) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Миллий маънавият, маданий мерос ва умуминсоний қадриятлар негизида юксак ватанпарварлик, халқпарварлик, фидойилик туйғусини ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, Ватанимиз обрўси, шон-шуҳрати ва шарафини юксалтиришга ҳамда унинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилаётган, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб намуна кўрсатаётган ёшларни рағбатлантириш мақсадида:

«Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 22 июлдаги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 8-сон, 195-модда) билан тасдиқланган Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 4 август

## «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони тўғрисидаги НИЗОМ

(Янги таҳрири)

1. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан миллий маънавият, маданий мерос ва умуминсоний қадриятлар негизида юксак ватанпарварлик, халқпарварлик, фидойилик туйғусини ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, Ватанимиз обрўси, шон-шуҳрати ва шарафини юксалтиришга ҳамда унинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилаётган, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб намуна кўрсатаётган ёшлар тақдирланади.

2. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонига номзодлар Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг қуйи ташкилотлари ва жамоатчилик томонидан тақдим этилади.

3. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг қарори асосида берилади.

4. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан белгиланади.

5. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони ҳамда унинг гувоҳномаси тақдирланганларга тантанали вазиятда Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг раиси томонидан топширилади.

6. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони такроран берилмайди.

7. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони кўкракнинг чап томонига тақилади.



## ТОШКЕНТ. КИЧИК ХАЛҚА ЙЎЛ: ҲАЁТ ҚАЙНАЯПТИ




Мамлакатимиз Марказий Осиё республикалари ичида аҳолисининг сони, жуғрофий майдони, халқ хўжалигининг салоҳияти, қолаверса, жаҳон миқёсида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маърифий соҳаларда тутган нуфузи жиҳатидан ҳам салмоқли ўрин тутиши барчага маълум. Демак, унинг пойтахти, бош кенти — Тошкент ҳам шунга яраша ва шунга муносиб.



Унинг кун сайин кенгайиши, айниқса, транспорт воситалари оқимининг кўпайиши, йўлларда қатнов ва ҳаракатнинг тобора тиғизлашиб бориши боиси ҳам шунда.

Бу шаҳар четидаги **Катта ҳалқа йўли**га монанд ички **Кичик ҳалқа йўл** қурилишини тақозо қилди.

**Йўл қурилиши тарихидан:** Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан қурилишга фатво берилди! Иш бошланди:

**2001 йил:** йўлнинг Амир Темур кўчасидан Фарғона йўли кўчасигача бўлган биринчи қисмида узунлиги 6,5 километр янги йўл барпо этилди. 1,8 километр йўл бутунлай қайтадан таъмирдан чиқди. Умумий узунлиги 245 метр 4 та кўприк тикланди...

Улар Мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида ишга тушди.

**2002 йил:** **у**зунлиги 6,5 километр йўлнинг иккинчи қисми фойдаланишга топширилди. У Авлиё ота кўчасидан «старт» олиб, Бобур, Ҳамза Умаров кўчалари орқали Усмон Носир кўчасига туташди. Фарҳод ва Усмон Носир кўчалари чорраҳасида 385 метр узунликдаги яна бир маҳобатли кўприк бунёд этилди. У пойтахтимизнинг аҳолиси зич жойлашган Чилонзор ва Акмал Икромов туманларини темир йўл вокзаллари ҳамда аэропорт билан боғлади. Бу — Истиқлолнинг 11 йиллигига муносиб совға эди.

**2003 йил ва бугунги кун:** йўлнинг учинчи қисми яна роппа-роса 25 кундан сўнг — бутун мамлакатда катта тантана билан нишонлангуси Ҳурриятнинг 12 йиллигида ишга тушади.



Ҳозир бу ерда бунёдкорлик ишлари ҳар қачонгидан қизғин. Йўлсозлар уч сменада меҳнат қилишяпти. 15 га яқин турли хил йўл қурилиши ташкилотлари, бошқарма, трест ва фирмалардан жалб этилган 6500 нафар йўлсоз ғайрат-шижоат билан тер тўкмоқда. Трактор, бульдозер, грейдер, автомашина, кўтарма кран, компрессор сингари турли хил ва турли русумли техника воситаларининг наъраси кечаю кундуз тинмайди. 7,5 километрлик масофанинг ҳар бир участкасида қум, шағал, бетон, асфальт ётқизаётган гуррос-гуррос одамларни учратасиз. Эни 37 метргача бўлган йўлнинг икки томонлама қатновида келажакда бир йўла 8 қатор машина ҳаракат қилади.

Улуғбек ва Маннон Уйғур кўчалари кесишган жойда ер ости ва ер усти транспорт ҳаракатини таъминловчи (эни — 40, узунлиги — 75 метр) улкан кўприк қурилишида сўнгги ишлар бажарилмоқда.

— Етти ойдан буён давом этаётган иншоотда асосий ишлар ниҳоясига етди, — дейди «Тошметроқурилиш» трестининг механизациялашган бошқармаси бошлиғи Камолхон Норхўжаев. — Ҳозир йўллар четига тўсиқлар, чироқлар, ҳаракат белгилари ўрнатаяпмиз. Лойиҳага кўра теварак-атрофда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари ҳам кетмоқда...

— Бу ерда сизларнинг трестингиздан ташқари яна қандай ташкилотлар бор? — сўраймиз ундан.

— 2-қурилиш монтаж бошқармаси, «Паркентсувқурилиш» трести, «Алист — полимест» масъулияти чекланган жамият, «Элеком» хусусий фирмаси... жами 10-12 ташкилот бор... Қисқаси ишимиз жадал кетаяпти. Мустақиллик тантаналарига қадар объектни фойдаланишга топширишга аҳд қилганмиз. Қаранг, (у иншоотдаги тинимсиз меҳнат суронига ишора қилди) ҳаёт қайнаяпти, ҳаёт...

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

❖❖❖

**Суратларда:** йўл ва кўприк қурилишидан лавҳалар.

**Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.**

**Бугуннинг гапи**

## ФИДОЙИЛИК ЭЛДА АЗИЗ...

Юртбошимиз Қашқадарёда бўлиб, деҳқонлар, фаоллар билан учрашганда бир сўзни бот-бот тилга олдилар: Фидойилик..! Дарҳақиқат, юртимизни бойитаётган, ризқ-насиба улашаётган ва заминни яшнатаётганлар ҳам ана шу фидойи инсонлардир...

— Юртбошимизнинг вилоятимизга, жумладан, бизнинг хўжалигимизга ташриф буюрганлари ва далада деҳқонлар билан дилдан суҳбатлашганлари, қимматли маслаҳатлар берганлари кўнглимизни тоғдек кўтарди, — дейди **«Ўзбекистон» ширкат хўжалиги раиси Азамат Боймуродов.** — Бу йил 2,5 минг тоннадан ошиқ дон етиштириб, шартномани зиёди билан бажардик. Топширилган уруғлик доннинг ўзи 800 тоннадан ошди. Камида 43 миллион сўм фойда шу биргина ғаллачиликнинг ўзидан келди...

Раис кузатувида катта йўл ёқасидаги (ариқ четлари толлар билан ғуж-ғуж) далага етиб келдик. Оилавий пудрат раҳбари Яхё ака Эргашевни тўйга айтиб кетишган экан. Кенжа ўғиллари Бекмирза ўтган йили 16 гектар ернинг ҳар гектаридан 51 центнердан пахта етиштирган, аммо декбарь ойи охиригача вилоятнинг собиқ раҳбари шудгор қилишга йўл бермаган. Шундай бўлса-да, эрта кўкламги фидойи меҳнат эвазига бу йил ҳам ғўзалари бўлиқ, кўсаклар шиғил...

— Турмушга чиққанимда 17 ёшда эдим, — дейди оила бекаси **Илаш момо.** — Шукр, кам бўлмадик. Чолим билан 6 ўғил, 8 қизни бировдан кам қилмай ўстирдик. Ҳаммасининг ўз касби, ўз ҳунари бор. Оталари ёнларига кириб деҳқон бўлишди. Уй-жой қилиб бердик. Уч қизим дўхтир, иккови тикувчи... 45 невара, 5 эвара кўрдик. Ана шуларни Юртбошимизга айтдим. Томорқамизни сўрадилар: «11 сотих еримиз бор, эртага помидор чиқариб сотамиз», — дедим. У киши «баракасини берсин» деб ният қилдилар...

Раисимиз ҳам яхши. Ноҳақ бўшатишганди, одамларнинг талаби билан яна тикланди. Халққа қайишадиган киши-да... Бу йил 240 кило пилла топширдик.

— Халқнинг, элнинг дарди билан яшаётган раҳбарни одамлар дарров билиб олишади, — дейди тўйдан қайтиб келган пудрат раҳбари 74 ёшли **Яхё ака Эргашев**. — Ўн икки ёшимдан далага чиқдим. Ўсмирлик йилларим урушга тўғри келди. Тракторчи, ҳайдовчи бўлдим. Йигирма йил гаражда мудирлик қилдим. Кейин шу ерни олиб, болаларим билан ишлаяпман. Ўтган йили 2,5 миллион сўм фойда олдик...

**— Яхё ака, сизнинг гапларингизни телевизор орқали бутун мамлакат эшитди. Яна фикрларингиз бўлса...**

— Инсонга кераги — ҳалол меҳнат. Шу ҳақда мен ҳам, момонгиз ҳам Юртбошимизга айтдик. У киши «шунча фарзанд ўстирибсиз, қайси бирингиз қаҳрамон?», — дедилар ҳазиллашиб. Одамнинг жонидай бу гапларни эшитиб, рости, бизда тип-тиниқ таассурот қолди. Юрт учун, халқ учун ёниб яшаган инсон ҳеч қачон юракдан кетмайди. Фарзандларимни йиғиб «у улуғ инсонни пойи қадами етган даламиз — еримиз қутлуғ, ҳосилимиз баракали бўлади. Сиз ҳам у кишидек фидойи бўлинг, меҳнатдан, заҳматдан қочманг», деб оталик насиҳатларимни айтдим. Аслида тўғри йўл ҳам шу..!

**Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

**Долзарб мавзу**

## МАЪНАВИЯТ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

**Яқинда «Маънавият ва маърифат» марказида республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда «Маънавият ва миллий қадриятлар» мавзуида очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Унда мутасадди идоралар раҳбарлари, мутахассислар, жамоатчилик вакиллари тўй-ҳашамларни, диний маъракаларни тартибга солиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, мавжуд камчилик ва муаммолар, айниқса, дабдабозлик, манманлик оқибатида рўй бераётган ортиқча харажатлар, исрофгарчиликлар хусусида кўплаб фикр-мулоҳазаларни билдирдилар.**

2-бет

## «ГАЛАОСИЁ» ШИННИСИ

Бухоро туманидаги «Галаосиё» ширкат хўжалигида бу йилги мавсум ўзгача бошланди. Илгари бу ерда узум йиғиб олиниб, бир қисми майиз, қолгани мусаллас қилинган бўлса, эндиликда ундан шинни тайёрлаш имконияти ҳам юзага келди. Ширкат хўжалиги шу мақсадда хориждан ҳамкор топди. Хўжалик марказида қиймати 150 минг АҚШ долларига тенг «Мибутех» («Милена — Бухоро — технология») Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси иш бошлади.

Корхона йилига 250-400 тонна ана шундай шифобахш, харидоргир шинни ишлаб чиқариш қувватига эга. Яна бир жиҳати, узумни қайта ишлаб, шароб тайёрловчи корхоналарда ҳосил данаги илгари чиқитга чиқариларди. Ундан асосан мол озуқаси сифатида фойдаланиларди. Олимлар фикрича, узум данакчаларидан шифобахш мой ишлаб чиқарса бўларкан. «Мибутех» да яқин орада ана шу иш ҳам йўлга қўйилади ва йилига тиббиёт учун 10 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ҳа, қўшма корхона маҳсулоти энди «Мибутех» тамғаси билан хорижга ҳам жўнатилади.

**Даврон БАҲРОНОВ**

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

BANK XALQ BANKI

**Ўзбекистон — Россия:**

## ҲАМКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Илгари хабар қилганимиздек, «Тошкентсут» очиқ ҳиссадорлик жамияти яқиндан бошлаб Россиянинг «ВИММ — Билль-Данн» компанияси билан ўзаро ҳамкорликда ишлай бошлади. «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Алишер ТОШКЕНБОЕВ ҳикоя қилади:



— «ВИММ — БИЛЛЬ-ДАНН» нафақат Россияда, дунёда ҳам машҳур йирик компаниялардан бири. Масалан, 2000 йилда у «Россиянинг энг яхши экспортёри» деган юксак номга сазовор бўлган. 1999 йилда компаниянинг самарали ишлари учун Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ташаккурнома йўллади. Кейинги йилларда корхонада тайёрланган «Чудо йогурт» тамаддиси — олтин, сут маҳсулотлари тоифасидаги «БиоМакс» — бронза медаллари олди.

Яна шуни айтиш керакки, «ВИММ — БИЛЛЬ-ДАНН» суюқ озиқ-овқатларни қадоқлаб ишлаб чиқариш ускуналари ва материалларини тайёрлаш бўйича жаҳондаги энг йирик корпорация — Tetra PAK ва SiG Combibloc, GEA Finnah, Senaplast, APV сингари ўнлаб компаниялар билан шерикчилик асосида ишлайди. Мана, энди улар қаторига Ўзбекистондан «Тошкентсут» очиқ ҳиссадорлик жамияти ҳам қўшилди. У — компаниянинг йигирма биринчи ҳамкори.

Биз бу ҳамкорликка қўшилиш учун етти ой олдин иш бошладик. Яқинда ана шу ҳамкорликка бағишланган тадбир — тақдимот бўлиб ўтди. Ҳисоб-китобларга келганда, тошкентликлар ўз акцияларининг 60 фоизини ҳамкорларга бериб, 40 фоизини ўзларида қолдиради. Россияликлар корхонанинг аввалдан мавжуд бўлган қарзларини тўлалигича тўлаб, ана шу 60 фоиз акцияни сотиб олишади. Мақсад ўзбекистонликларни ҳар қачонгидан сифатли, тўйимли, экологик тоза ва арзон сут маҳсулотлари ҳамда витаминга бой шарбатли ичимликлар билан таъминлашдир.

**— Корхонанинг қуввати ва келажаги ҳақида гапирсангиз...**

— Келажакда корхонанинг бир кунлик қуввати 200 тонна бўлиши мўлжалланган. Бу қувватга 2005 йилга бориб эришилади. Ишчи-хизматчилар сони ҳозирги 250 нафардан 700 нафар кишига ошади. Кейинчалик 1100 кишига ҳам етиши кутилмоқда.

**— «ВИММ — БИЛЛЬ-ДАНН» ажратаётган сармоялар миқдори қанча?**

— Биринчи босқичда 7 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратаяпти. Кейинчалик яна 8 миллион доллар бериш режаси бор. Биргина таъмир ишлари учун 1 миллион 100 минг доллар ажратилиши белгиланди. Бу ўзгаришлар, шубҳасиз, корхонада меҳнат шароитини яхшилайди. Моддий манфаатдорлик ошади. Бир сўз билан айтсам, бундай ҳамкорлик «Тошкентсут» очиқ ҳиссадорлик жамияти иқтисодиёти тараққиётига катта туртки беради.

**Замон АЛИ**

❖❖❖

**Суратда:** корхонанинг тайёр маҳсулотлар цехи ишчиси Шарофат Содиқова.

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат**

**Об-ҳаво**



## ХАЙР, ЁЗ ЧИЛЛАСИ

Ёз саратони тугаб, ўрнини асад ойига бўшатиб берганига ҳам бир неча кунлар бўлди. Юртимизда янги ойнинг нафаси анча сезилиб қолди: жазираманинг тафти пасайди, осмонда тез-тез булутлар пайдо бўлмоқда, кечалари салқин эпкинлар эса бошлади, экинлар ғиж-ғиж ҳосилга кириб, боғларимиздаги мевалар болга тўлди. Полизларда-ку қовун-тарвузларнинг адоғи йўқ.

Бугун ёз чилласи билан хайрлашамиз. Хўш, эрта-индин, умуман, ҳафта охиригача мамлакатимизда об-ҳаво қандай бўлади? Ўзбекистон Республикаси «Бошгидромет» бошқармаси берган маълумотларга кўра, 6-7 август кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида кечаси 12-17, кундузи 26-31, 8-9 август кунлари эса кечаси 15-20, кундузи — 26-31 даража, Бухоро ва Навоий вилоятларида кечаси 13-18, кундузи 28-33, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларида ҳам кечаси 13-18, кундузи — 28-33 даража иссиқ бўлиши тахмин қилинмоқда. Шимолий-шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади.

Мамлакатимиз жануби — Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида 6-7 августда кечаси 16-21, кундуз — 30-35, 8-9 августда 34-39 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида ҳаво булутланиб туради, баъзи жойларда қисқа муддатли ёмғир, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечалари 15-20, кундуз — 27-32 даража иссиқ бўлиши мумкин.

**Бобо САРОЙИ тайёрлади**

BUSINESS BANK

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

**Долзарб мавзу**

# МАЪНАВИЯТ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

**Қуддус АЪЗАМОВ, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари:**



— Миллий қадриятлар халқ маънавиятининг гавҳари ҳисобланади. Унда миллатнинг қалби, дунёқараши, тафаккури, минг йиллар мобайнида тўплаган ҳаётий тажрибаси, анъаналари, урф-одатлари ўз ифодасини топган. Миллий қадриятларсиз халқ ўзлигини, тарихий хотирасини йўқотади, таназзулга юз тутади. Худди шу сабабли қарийб бир ярим аср давом этган мустабид тузум даврида маънавиятимиз, маданиятимиз ва удумларимиз обдон оёқости қилинди. Узоққа бориб юрмайлик, 80-йилларнинг ўрталарида жанозада қатнашиш, марҳумларни ёдга олиб фотиҳа ўқиш, ҳаттоки, миллий либослар кийиш ҳам таъқиқлана бошлади. Ўша даврда академик С.Х. Йўлдошев бир гуруҳ зиёлилар билан ўз укасининг жанозасига борганлиги учун, тасаввур қилиб кўринг, Ўзкомпартия марказий комитетининг 16-пленумида муҳокама қилинган ва улар «сиёсий жиҳатдан зарарли, социал жиҳатдан хатарли шахслар» деб эълон қилинган. Буни эшитган бошқа масъул шахслар ўз яқинлари оламдан ўтганида зудлик билан «хизмат сафари»га отланишган ёки дафъатан «касал бўлиб», уйдан чиқмай ётиб олишга мажбур бўлишган. Бу қора кунларни халқимиз ҳеч қачон унутмайди. Мустақилликкина бизни миллий қадриятларимиздан маҳрум бўлишдек фожиадан сақлаб қолди.

Ўзбекистонга Ислом Каримов раҳбар бўлиб келган даврда, яъни 1989 йилда, миллий қадриятларимизни оёқости қилиш авжида эди. Тоталитар тузум ўз измига юрмаган ҳар қандай шахсни янчиб ташлашдан ҳам тап тортмасди. Ўзбекистоннинг янги раҳбари шундай оғир кезларда миллий қадриятларимизни тиклашга астойдил киришган. Жумладан, 1989-90 йилларда ақидапарастлар томонидан таъқиқланган Наврўз кенг нишонланган, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган, Рамазон ва қурбон ҳайитлари ҳам эмин-эркин нишонланадиган бўлди. Бу ўша таҳликали паллада қилинган савобли ишларнинг бир қисми, холос.

Албатта, миллий қадриятларни тиклаш, уларни эски иллатлардан тозалаш осон кечмаяпти. Ҳамон миллий урф-одатларимиз ниқоби остидаги бидъат ва хурофотлар маънавиятимизга салбий таъсир кўрсатмоқда. Дабдабабозлик, исрофгарчилик, манманлик, моддиятпарастлик каби хунук ва ярамас иллатлар ёшлар онгини заҳарламоқда, тараққиётимизга тўсқинлик қилмоқда, жамоатчилик эътирозига сабаб бўлмоқда.

Биз бу иллатлардан қачон қутиламиз, қандай қутиламиз? Бу борада жамоат ташкилотларининг асосий вазифалари нималардан иборат? Давра суҳбатимиз шу каби масалаларга бағишланган.

**Дилбар ҒУЛОМОВА, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси:**



— Бу тадбиримизни энг улуғ, энг азиз байрамимиз олдидан мустақиллигимизнинг қадрига етиш, унинг руҳини ҳар бир оила, хусусан, ҳар бир аёл онгига сингдиришга қаратилган мулоқот деб биламан. Халқ 12 йил ичида амалга оширилган улкан эзгу ишларни кўриб, билиб турибди. Айниқса, ижтимоий соҳада кўплаб ислоҳотлар амалга оширилпти. «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Она ва бола йили», «Қарияларни қадрлаш йили» ҳамда «Обод маҳалла йили» Давлат дастурлари замирида аёлларга, оилага алоҳида муносабат мавжуд.

Хориждан келаётганлар давлатимизнинг аёлларга муносабатини кўриб, ҳавас билан қарашмоқда. Аслида, аёл фаровонлиги давлат фаровонлиги-да.

Шунча саъй-ҳаракат нима учун? Албатта, маърифатли жамият қуриш учун. Маърифатли жамиятнинг эса ўз талаблари бор. Бугун ўртага ташланаётган маънавият ва миллий қадриятлар масаласи ҳам, аслида, маърифатли жамиятни барпо этишга қаратилган. Чунки маърифатли одамгина ҳамма нарсада меъёрни сақлайди, исрофдан, дабдабабозликдан, манманликдан, бойлигини кўз-кўз қилишдан, мақтанишдан тийилади.

Хўш, биз шу талабларга тўла жавоб бериб ишлаяпмизми? Кимни тарбиялаяпмиз? Оилада бола тарбиясига ким асосий масъул? Онанинг ўзи маърифатли, маънавиятли бўлмаса, баркамол авлодни ким тарбиялайди? Биз тўй-ҳашамларни меъёрида ўтказмасак, бидъат-хурофотларга кўмилиб яшайверсак, келажагимиз нима бўлади?!

Президентимизнинг тўй-ҳашамларни ихчам, исрофгарчиликка йўл қўймасдан ўтказишга қаратилган Фармонларидаги кўрсатмаларига тўлиқ амал қиляпмизми?

Мана, орадан йиллар ўтиб, яна оғриқ нуқталаримизни даволашга тушдик. Муфти ҳазратларининг фатволари эълон қилинди. Республика «Маҳалла» жамғармаси тавсиялари матбуотда чоп этилди. Ижро қандай бўляпти? Шундай нохуш ҳолатларда аёлларимизнинг ҳам айби борми?

Бор. Чунки оиладаги аксар маросимларимиз аёллар иштирокида, ҳатто, кўпроқ уларнинг бошқарувида бўлиб ўтади. Шунинг учун тўй-ҳашамларни тартибга солишга қаратилган тадбирларимизда аёллар билан ишлашни такомиллаштиришимиз лозим. Аёл маънавиятини четга суриб қўйсак, маънавиятни мукаммал кўра олмаймиз. Бу борада республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан қўмитамиз ҳамкорлигини янада кучайтиришимиз керак. Умуман, аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи алоҳида. Олиб борилган тушунтириш ишларининг самараси сифатида айтиш мумкинки, айрим тўй-маъракаларимиз, масалан, худди тўйдай қилиб ўтказиб келинган чарлар деярли йўқолди. Ҳайитлардаги келин салом маросимлари ихчамлашди.

Тўйларни маромида ўтказишга маҳалла раислари, фаоллари, нуронийлар, маҳалладаги хотин-қизлар қўмитаси вакилларининг бевосита таъсири орқали эришиш мумкин. Маҳалланинг ўзида бугун беш-олти жамоат ташкилотининг шўъбаси бор. Шундай бўла туриб ишимизда самарага эришолмасак, яхшими?!

Ўзларини тадбиркор деб ҳисоблаётган аёлларимиз маънавий қиёфасини ҳам ўйлашга мажбурмиз. Аризалар тушяпти. Муомаласи, ахлоқи, ҳаёси, кийими, оғзидан чиқаётган гапи билан боғлиқ шикоятлар кўпайиб кетди. Ахир, бозор дегани аёлларимизнинг маънавиятсизлашиши дегани эмас-ку.

Кўп ижтимоий муаммолар калити аёллар билан қандай ишлашимизга боғлиқ. Ҳозир жойларда, вилоятларда ижтимоий кўникма марказлари ташкил этилмоқда. Бу марказлар жазо муддатини ўтаб қайтганларга текинга ҳунар ўргатади, шу тариқа уларнинг осон иш бошлаб олишларига кўмаклашади.

Мақсадимиз — аёл юксак маънавиятли бўлсин, соғлом бўлсин. Шунда ундан соғлом авлод бунёд бўлади.

**Аъзамжон ГАДОЙБОЕВ, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси:**



— Тўйлар, маросимларни камчиқим қилиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик тўғрисида илгари ҳам гапирилган. «Маҳаллада дув-дув гап» каби фильмларда, телеминиатюраларда кўплаб ҳажв қилинган. Бугунги кунда ҳам бу масаланинг долзарб бўлиб туриши жамоат ташкилотларининг олдига нохуш ҳолатларга қарши курашиш вазифасини қўймоқда.

Бу каби салбий хатти-ҳаракатларга, ҳар қандай соғлом фикрга зид бўлган сохта урф-одатларга берилиб, ўзининг табиати ва салоҳиятига, даромадига тўғри келмайдиган, балки катта зарар келтирадиган тўй-маросимларни ўтказадиган одамларни огоҳлантириб, бу ўйламай қилаётган ишлари, «бу ортиқча даҳмазалар одамларимиз елкасига машаққатли бир юк, аниқроқ айтганда, доимий оғир мажбурият бўлиб тушаётгани»ни тушунтириб, тўғри йўлга солиб қўйишимиз мақсадга мувофиқ.

Лекин айрим «оёғи ердан узилганлар» ҳамон нафсга берилиб, сохта обрў орттириш, мол-дунё, амал кетидан қувишни касб қилиб олмоқдалар. Тўйларнинг «кимошди» ёки обрў «полигони»га айланиб қолаётгани ҳар бир маҳалла раиси олдига жиддий талаб қўймоқда. Ачинарли томони шундаки, аслида ўзи бевосита шу тўйларда бошқош бўлса-да, биронта оқсоқол ёзма равишда ҳеч қаерга мурожаат қилмаган. Бойваччаликни тарғиб қилувчи одатлар йўқолмаслигининг асл сабабларидан бири мана шунда.

Наҳор ошларида эрталабдан мусиқанинг баланд овозда қўйилиши кўпчиликка, айниқса, беморлар ва болали оналарга халақит бераётгани ҳам ҳақиқат. Қизларнинг оталари тенги одамлар олдида беҳаё, кўкраклари очиқ ҳолдаги «хиром»лари, қудаларнинг ўзаро ўйинлари, «санъаткор»лар учун пул ишлаб берадиган келин-куёв рақслари, уларнинг видеокассеталарга ёзиб олиниб доимий намойишда бўлиши маънавий тарбияга салбий таъсир кўрсатиши аниқ.

Маҳалла оқсоқоллари, сардорлар жон куйдириб, сидқидилдан ўз вазифаларига ёндашишлари зарур. Ҳар бир фуқаро эътиборда бўлиши, ҳеч бир тўй-маърака назардан четда қолмаслиги керак. Токи айрим бидъат-хурофотлар қадимий анъаналаримиз ва қадриятларимизни обрўсизлантирмасин.

**Шоазим МИНОВАРОВ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси:**



— Халқимиз азалдан меҳмондўстлиги билан довруқ қозонган. Аммо айрим дабдабали тўй ва маъракаларнинг эртасига чиқитга чиқариб ташланаётган ноз-неъматларни, биринчи навбатда нари борса чорва молларига бериб юборилаётган нон қолдиқлари каби исрофгарчиликларни кўриб, юрак ачишади. Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида очлик ва қаҳатчиликни, Жаҳон урушлари ва ундан кейинги йилларда қимматчилик ҳамда етишмовчилик каби кулфатларни бошидан ўтказган халқимиз нонни бир умрга кўзига суртиб келган-ку, ахир! Кибр ва манманлик деб аталган шайтоннинг қутқуларига учиб, кимнинг кўз ўнгида ном чиқармоқчимиз? Қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар орасида муҳтож ва эҳтиёжмандлар бўла туриб, эҳтиёждан ортиқ дабдаба ва маишат ўринлимикан?! Албатта, жамиятда бадавлат оилалар қанча кўпайса, шунча яхши. Аммо ушбу оилалар маънавият ва руҳоният даражасида ҳам бой бўлишлари, кибр ва исрофгарчиликлардан йироқ, эҳтиёжмандларга, етимлар ва йўқсилларга ҳамдард бўлишлари Оллоҳга ҳам, бандасига ҳам маъқул амаллар бўлур эди.

Биз АҚШ ҳамда Европа мамлакатларидаги маъмурчиликни кўп гапирамиз, уларга ҳавас қиламиз. Бироқ бу мамлакатлардаги фаровон ҳаёт замирида тўғри йўлга қўйилган тадбиркорлик билан тежамкорлик ётганини унутиб қўямиз.

Мамлакатимиз раҳбари, давлат ва жамоат ташкилотлари фаоллари, уламоларимиз томонидан муттасил айтиб келинаётган тўй ва маъракалардаги бидъат одатлардан, яъни на диний, на ҳаётий асосга эга бундай анъаналардан воз кечиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, кибр ва манманликка берилмаслик, мавжуд имкониятларни баркамол авлод тарбиясига сафарбар қилишга чақириқлар кимнинг манфаатига хизмат қилади ўзи? Ҳар биримиз бу даъватларга «лаббай» деб жавоб беришимиз, уларга амал қилишимиз керак эмасми?!

Аввалидан охиригача қулоқни битирар даражада ярим туркча, ярим европача оҳанглар ва рақс тушаётган ярим маст ёш-яланглар (уларнинг орасида, таассуфлар бўлсинки, қизлар ва аёллар ҳам бор) муҳитида ўтаётган, «жилови» кўп ҳолларда тутуриғи йўқ «тамадалар»га бериб қўйилаётган тўйларимиздан файз кетиб қолмаяптимикан?! Оллоҳнинг неъматларинигина эмас, маънавиятимизни ҳам исроф қилиб юбормаяпмизми?! Фикримизча, барча мутасадди жамоат ташкилотлари, жумладан, муҳтарам уламоларимиз исрофгарчилик ва манманликнинг моддий ҳамда маънавий зарари, фаровон турмуш қуришни истайдиган ҳар бир жамият ва ҳар бир оила, аввалambор, тежамкорлик маданияти кўникмалари ҳосил қилиши зарурлигини, бу омил янги жамият қураётган бизнинг мамлакатимиз учун, айниқса, долзарблигини тарғибот ва ташвиқот қилишда бундан буён ҳам собитқадам бўлишлари керак.

**Анвар ҳожи ҚЎЧҚОР ўғли, Тошкент шаҳри бош имом-хатиби:**



— Давра суҳбатида кўтарилган ўта долзарб масалалар ечими — фақат маърифат ва яна маърифат. Бу муаммоларни бошқача ҳал қилиш мумкин эмас. Муҳтарам Президентимизнинг бундан беш йил муқаддам имзоланган махсус Фармони, зиёлиларимиз, жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимиятлар, дин аҳллари, ўзини ўзи бошқариш идораларининг саъй-ҳаракатлари, оммавий ахборот воситаларидаги шиддатли чиқишлардан кейин, очиқ тан олиб айтайлик, тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишдаги шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби эскидан қолган асоратлар, бидъат ва хурофотлар ярмига қисқарди.

Муфти ҳазратларининг фатволарида таъзия бўлган хонадонда бир марта тадбир қилишга рухсат берилди. Кўплар амал қиляпти. Халқ рози. Исломда йўқ нарсалар — етти, йигирма, қирқ, йил ошлари бериш шартми? Ҳаммаси учун бир гал қариндош-уруғ, яқинлар билан йиғилиб, йўриқ ўтказилса, бўлди-да.

Маъракаларда бир ёқда муқаддас «Қуръон» оятлари ўқилади, иккинчи ёқда тарақ-туруқ қошиқлар товоққа бориб-келиб ётади. «Қуръон» тиловат қилинганда, эшитинглар, ҳаракатдан тўхтанглар, деган Оллоҳ. Демак, тиловат пайтида овқат еб бўлмайди. Бироқ одамларни ўзгартириш жуда оғир кечяпти. Чунки онг ўзгармагунча одам ўзгармайди. Фатвода айтилди, лекин ҳозир ҳам наҳорга деб ошга таклиф қилишади. Наҳор неччи? Масжиддан чиққанларга 4:30. Оддий одамларга 7:30.

Дилбар опа тўғри айтдилар: кўп ҳолларда дабдабабозлик оиладаги аёлнинг «орзу-ҳаваси» билан бўлади. Маҳаллада бир отахонни камхаржроқ тўй қилишга, чарлар ўтказмасликка кўндирган бўлдик. Уйларига кириб чиқиб, айнидилар. Кампирлари: «Биттагина ўғлим бор, орзу-ҳавас қилмасам, бўлмайди», — деган эмишлар, истисно қилар эмишмиз...

Кўплар маърифат етишмаганидан баттар шундай бидъат-хурофотлар ботқоғига ботиб кетяпти. Бир биродарим қизини узатаётганда унга икки ярим миллион сўмга мебель олиб берибди. Яна нима олиш кераклиги хусусида маслаҳат сўраган бўлувди, «Қуръон»нинг ўзбекча янги таржимасини олишни айтдим. 12 минг сўм туради. «Қиммат экан» деб олмади. Ҳолбуки, бу ҳалиги гарнитурдан 200 баробар арзон!

Бидъат ва хурофотларга қарши имомларимиз қаттиқ кураш олиб боряпти. Лекин қайси бир нораво маросимига диний идорадан вакил бормаса, тўйчилар, қаердан бўлмасин, ўзлари имом топяпти.

Бундай яхши, тўғри, шаръий гапларни мажлисларда айтамиз, фатволарни ўқиб берамиз. Лекин баъзилар эшитади, амал йўқ. Тарғиботнинг бу усули ўзини тўла оқламаяпти. Демак, янги таъсирчан усуллар устида ўйлашимиз зарур.

**Соҳиба АБДУЛЛАЕВА, исломшунос:**



— Яқинда бир ақиқа маросимига бордик. Ақиқа аслида гўдак туғилиши муносабати билан етти кунда (ёки икки-уч ҳафталигида) унинг сочи олиниб, қўй сўйиб, яқинларига эҳсон қилишни билдиради. Агар, имкони етмаса, қўй сўймаса ҳам, ҳеч қандай гуноҳ йўқ, бу эҳсон туғилган гўдакнинг умри давомида бажарилса ҳам бўлаверади. Лекин ҳозирги кунда бу маросимлар кишининг ғашини келтирадиган даражада бачканалашиб кетди.

Биз борган жойда, аввало, бешикдан тортиб велосипедгача ҳамма анжомлар безатилиб, юк машинасига ортилди, бир кун аввал қиз томон катта қўй билан ошнинг хомига бир қоп гуруч, бир қоп сабзи-пиёз, қўйингки, наҳорги ошнинг дастурхонига етадиган барча ноз-неъматларни жўнатган. Шу ерда савол туғилади. Хўш, гўдак кимнинг уйида туғилди? Гўдакнинг отаси борми? Нима учун қўйни қизнинг ота-онаси олиб бориши керак? Бу қайси бир ҳадисда ёки фатволарда ёзилган?

Ўша куни гўдакнинг ота-онасига ҳамманинг кўз ўнгида биттадан тилла соат ҳадя этишди. Одамлар кўриб қўйсин-да... Биз ҳадя қилманг, демоқчи эмасмиз. Эҳсон-ҳадя ошкора берилганидан кўра пинҳона берилганининг савоби улуғ.

Тўй ва бошқа маросимларда ўйлаб топилаётган бунақа бачканаликларга қачон чек қўйилади?! Не орзу-умидлар билан эришганимиз мустақиллигимиз қадрига етмай, мамлакатимиз юксалишига ҳисса қўшмай, ҳар ким ўз қобиғига ўралиб яшайверса, эртага келгуси авлод олдида уялиб қолмаймизми?!

Қуръони каримда: «***Қариндошнинг ҳаққини адо эт, мискин бечоралар, йўловчи-мусофирларга ҳам*** (мурувват кўрсат). ***Лекин сира исроф этма, зеро исроф қилувчилар шайтоннинг «биродарлари»дир!»*** дейилади (Исро, 26-оят).

Халқимизнинг «Маслаҳатли тўй тарқамас» деган доно нақли бор. Тўй эгалари маҳалла оқсоқоли билан кенгашиб, риёкорлик ва манманликдан тийилган ҳолда файзли тўйлар ўтказса, бу ҳам маҳалла ободлигига хизмат қилади.

**Гулнора ҒАНИЕВА, ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими:**



— Мустақиллик шарофати билан 2002 йилнинг ноябрида Исроил давлатида Ўрта Осиёлик 25 аёл қаторида Халқаро МАШАВ курсида таҳсил олиш бахтига муяссар бўлдим. «Аёллар пешқадамлиги» (лидерлиги) бўйича бир ойлик таҳсил давомида шуни ҳис қилдимки, юртимиз аёлларининг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий онгини янада юксалтириш, жамиятдаги фаоллигини ошириш лозим экан.

Бизда «Аёллар оила учун яратилган» деган қараш мавжуд. Тўғри, соғлом фарзандни дунёга келтириш, уни баркамол этиб вояга етказиш аёлнинг биринчи галдаги вазифаси. Лекин аёл ҳам жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиши зарур. Йўқса, аёлларимиз ўз қобиғига ўралиб, бидъат-хурофотлар қуршовида қолиб кетаверади. Синчиклаб назар солсангиз, тўй-ҳашам ва бошқа маросимларнинг дабдабабозлик, нокамтарлик ўчоғига айланиб қолаётганига аксарият ҳолларда аёлларда, юқорида таъкидлаб ўтганим — ижтимоийлашувнинг паст даражада эканлиги, маърифатнинг етишмаслиги сабаб бўлаётир.

Тараққий этган мамлакатларда фарзандни ёшлигидан мустақил фикрлашга, илмга ошно қилишга алоҳида аҳамият беришади. Бизда-чи? Болаларимизни замонавий кийинтиришни канда қилмасмиз, лекин қўлига китоб тутқазмаймиз. Данғиллама «участка»лар соламиз-у, фарзандимизга компьютер олиб бермаймиз. «Ўқиб одам бўлармиди» деймиз-да! Оқибатда болаларимизни ёшлигидан моддиятпарастлик балосига гирифтор қиламиз. Бозор таъсирида вояга етган, пул «ҳиди»ни сезиб улгурган фарзанддан нимани кутиш мумкин?!

Мени кечирасизлар-у, бунақа фикрлаш тарзи билан узоққа боролмаймиз. Бугун дунёни тафаккур бошқаряпти. Президентимиз айтганларидек: «XXI аср — интеллектуал авлод асри». Ёшларимизни маърифатга ўргатайлик. Ҳаётни фақат «орзу-ҳавас» кўриш, зеб-зийнат йиғишдан иборат деб ўйлайдиган, содда қилиб айтганда, бурнидан нарини кўролмайдиган аёлларимиз тушуниши кераккки, бугун замон, фикрлаш ва ишлаш тарзи ўзгарди.

**Муяссар ТЎХТАБОЕВА, ўқитувчи:**



— Катталар ўртасидаги «кимўзди» мусобақаси ёшларимиз тарбиясига таъсир қилмасдан қолмайди. Буни мактаб ёшидаги болалар орасида урф бўлаётган баъзи бир одатлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Яқинда эшитиб қолдим: 14-15 ёшли болалар ўзаро «гап» ўйнаётган эмиш...

Битирув оқшомлари дабдабабозликнинг ўзгинаси! Мактабни битираётган ўқувчиларда унга таълим берган даргоҳ ва устозлар олдида қарздорлик ҳиссидан кўра «оқшом»ни қандай ўтказиш «ғами» кучлироқ. «Фалончи синф «оқшом»ни «Шаршара»да ўтказаяптикан, бизники «Шаҳристон»да ўтгани маъқул. Бизнинг улардан қаеримиз кам?!»

Ким ўйлаб топган бунақа «одатлар»ни?!

Ота-оналар сохта обрў ортидан қувиб фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатмаяптимикан?! Дастурхон атрофида фақат фалончининг данғиллама даласҳовлиси, фалон кило гуруч дамлаб ош берган «хотамтой»нинг «саховати» ва фалончининг бўйнидаги неча юз минг сўмлик тилло занжир ҳақида «мароқ» билан сўзлаган ота-она комил фарзандни тарбиялай олишига ким кафолат беради?!

**Жўрабек РЎЗМЕТОВ, талаба:**



— Яқинда сирдарёлик бир курсдошимиз уйланди. Гуруҳимиздаги биринчи тўй. Шунинг учун ҳам ҳеч иккиланмай минг бир орзу-ҳавас билан Гулистонга отландик. Тўйхонага кириб боришим билан йўл бўйи ўйлаб келганларим тутундек тарқади-қолди.

Тўйхонада оёқ босгани жой йўқ. Пойтахтдан келган меҳмонлар ҳеч кимни безовта қилмади. Остонада каловланиб қолдик. Биров у ёғингдан туртади, биров бу ёғингдан... Сал чалғиган эканман, кимдир оёғимни босиб ўтиб кетди. Тўйнинг умумий манзарасини кўриб, киши «бу ерда нима бўляпти ўзи?» деб ўйлаб қолиши ҳеч гапмас. Даврада ярим маст ёшяланглар ҳар томонга йўрғалайди. Ҳарқалай рақс тушяпти деб бўлмайди. Оғизлардан ташқарига отилаётган сўзлардан одам уялади. «Аёллар эшитмаяптимикан?» деган андишада атрофга аланглайман. Ёнгинамда турган қиз мендан юзини олиб қочди. Демак, эшитибди...

Яқин ўртоғимнинг тўйида бунақа манзарани кўриш етти ухлаб тушимга кирмаган. Тўйда навбат талашиб бир-бирини торткилаётган «отарчи»ларни-ку айтмаса ҳам бўлади. Эркак отарчи «Сочимдан кўп ошиғим, сен бўлмасанг бошқаси» деб куйлаяпти... Бада-банг мусиқалар қулоқни йиртиб юбораман дейди.

Тўй ҳар бир инсоннинг орзуси. Лекин бунақа тартибсиз тўйлар кўпайиб бораверса, биз нимага эришамиз?! Менимча, аввало биз ёшлар, ўзимиз бундай иллатларга қарши бўлишимиз, керак бўлса ота-оналаримизга ўз фикримизни очиқ-ойдин айтишимиз лозим.

**Давра суҳбатини Шуҳрат ОРИФ ёзиб олди**

❖❖❖

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

**Давра суҳбати иштирокчиларининг фикр-мулоҳазаларидан англашилаяптики, юртимизда тўй-ҳашам, маърака маросимларини тартибга солиш, янада ихчамлаштириш борасида сезиларли силжишга эришилган бўлса-да, муаммо ҳамон долзарблигича қолмоқда. Бугунги вазият бу йўналишда ҳали кўп саъй-ҳаракатлар қилиш, баҳс-мунозара юритиш, таклифларимизни айтиш лозимлигини кўрсатмоқда.**

**Демак, фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.**

**ХДП хабари**

# ФРАКЦИЯ ИШИГА КЎМАК

2003 йил 4 август куни Ўзбекистон ХДП МК Котибиятининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда иккинчи чақириқ республика Олий Мажлиси XII сессиясини тайёрлаш ва ўтказишда Ўзбекистон ХДП фракциясининг иштирокини таъминлашга кўмаклашиш ҳамда Ўзбекистон ХДП марказий матбуот нашрларига 2003 йил учун қўшимча обунанинг бориши ҳақидаги масалалар муҳокама этилди. Мажлисни партия МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов олиб борди.

Йиғилишда Ўзбекистон ХДП МКнинг мазкур иштирокни таъминлашга қаратилган Тадбирлар режаси ва уни амалга оширишга ташкилий-техникавий жиҳатдан кўмаклашувчи Ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди.

Котибият қабул қилган қарорда Олий Мажлиснинг XII сессиясига киритилаётган ҳужжатлар лойиҳалари бўйича таклифларни тайёрлашга депутатларни, ХДПнинг барча даражалардаги сайланма органлари аъзолари, экспертлар, мутахассислар, жамоат ташкилотлари вакилларини жалб этиш тўғрисида тавсия берилди. Ушбу ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан тушган тузатиш, қўшимча, турли фикр-мулоҳазаларни «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларида ёритиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, ХДП ташкилотларига, фракция таклифларини тайёрлаш мақсадида, қонунлар лойиҳалари муҳокамасига бағишлаб, «давра суҳбатлари», учрашувлар, мулоқотлар, партия йиғилишларини ўтказиш, уларда билдирилган фикрларни умумлаштириб, МК ишчи гуруҳига етказиш вазифаси топширилди.

Марказий Кенгаш Котибияти иккинчи масала юзасидан қабул қилган қарорда партиянинг кўпчилик кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари ҳамда унинг марказий нашрлари таҳририятларининг сусткашликлари сабабли, 2003 йил учун «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журналига қўшимча обунани уюштириш ишлари талаб даражасида эмаслиги қайд этилиб, юзага келган аҳволдан келиб чиқиб, улар зиммасига партия марказий нашрларига обунани муттасил давом эттириш вазифаси юклатилди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 5 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:***

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 633,92 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1568,19 |
| 1 Дания кронаси | 147,79 |
| 1 БАА дирхами | 265,17 |
| 1 АҚШ доллари | 973,91 |
| 1 Миср фунти | 158,62 |
| 1 Исландия кронаси | 12,51 |
| 1 Канада доллари | 696,40 |
| 1 Хитой юани | 117,66 |
| 1 Малайзия ринггити | 256,33 |
| 1 Польша злотийси | 250,30 |
| 1 СДР | 1348,40 |
| 1000 Туркия лираси | 0,68 |
| 1 Швейцария франки | 714,80 |
| 1 ЕВРО | 1097,60 |
| 10 Жанубий Корея вони | 8,25 |
| 10 Япония иенаси | 81,20 |
| 1 Россия рубли | 32,14 |
| 1 Украина гривнаси | 182,66 |

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

# БАНК ТИЗИМИ ВА МАТБУОТ

Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ва «Ахбор Рейтинг» банклараро рейтинг компанияси ҳамкорликда банклар ва банк тизими мавзуидаги энг яхши журналистик асарлар учун танлов эълон қилди.

— Танлов шу йил 14 ноябргача давом этади, — деди «Ахбор Рейтинг» компанияси раиси Равшан Ҳайдаров. — Истиқлол йилларида мамлакатимиз банк тизими шаклланди. Бозор иқтисодиётига мос икки поғонали банк тизими вужудга келди.

Аҳолининг банк тизими фаолияти, иқтисодий ва молиявий масалаларга оид қизиқишларини акс эттирган журналистлар меҳнатини рағбатлантириш — танловнинг асосий мақсадидир.

**Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА**

**Ҳуқуқ ва бурч**

# ТАДБИРКОРЛАР ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

## БАРЧА ҲОКИМЛИКЛАР, ТЕГИШЛИ ИДОРАЛАР, КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК БУНИ ЯХШИ АНГЛАБ, ЎЗЛАРИГА ХУЛОСА ЧИҚАРИБ ОЛИШЛАРИ ЛОЗИМ

Мамлакатимизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бера бошлади. Бугунги кунда тадбиркорларни ноқонуний текшириш ҳолатлари камайди, уларни ҳокимликларда рўйхатга олиш ишлари яхшиланди, шартнома интизоми кучаймоқда.

Хусусий мулк эгаларининг қонунларимизга бўлган ишончи ортиб боряпти. Ушбу мураккаб жараёнларда Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими катта аҳамият касб этмоқда. Тадбиркорларга биз мурожаат қилиб айтяпмиз: ҳуқуқларингиз бузилган ҳар бир ҳолат бўйича ҳеч иккиланмасдан мурожаат қилинг ва у албатта ҳимоя қилинади. Бу йил тадбиркорларнинг мурожаатлари сони икки бараварга ошди, уларнинг 80 фоизи судларга даъво аризаси киритиш ва бошқа чоралар ёрдамида қаноатлантирилди. Худди шундай ҳуқуқий ёрдам хорижий инвесторларга ҳам кўрсатилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш кеhave ракки, давлат тадбиркорларга бепул ҳуқуқий ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш вазифасини ўз зиммасига олди. Ҳозир тадбиркор учун ўзининг ҳуқуқи бузилганлиги тўғрисида хабар қилишнинг ўзи кифоя, бошқа барча ишларни адлия идоралари амалга оширади, яъни бузилган ҳуқуқлар тикланади, етказилган зарар ундириб берилади, айбдор шахслар эса жазоланади. Нафақат МДҲ давлатлари, дунёнинг бирор бир бошқа мамлакатида бундай тажриба кузатилмаган. Ҳамма жойда, энг ривожланган давлатларда ҳам адвокат хизмати, хусусий суд ҳимояси мулкдор учун анча катта маблағ ва кўп вақт сарфланишини талаб қилади.

Ўтган ярим йилда Адлия вазирлиги томонидан 6 та вилоятда бозор ислоҳотларига оид қонунчиликка риоя этилиш амалиёти ўрганилганда, тадбиркорларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ 117 мингдан ортиқ қонунбузилишлар аниқланди. Шу жумладан, 5 мингдан ортиқ ҳолатда тадбиркорларни рўйхатга олиш муддати ва тартибини бузиш, лицензия ва бошқа рухсатномалар олишда 1601 та қонунбузилиш, банклар томонидан 1017 та ҳолатда кредитлаш тартибини бузиш, 8532 та ноқонуний маъмурий жавобгарликка тортиш ҳолатлари, 103 та рухсатсиз текшириш, 802 та текшириш тартибини бузиш, 45 мингдан ошиқ шартнома интизомини бузиш ҳолатлари аниқланди (Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилдаги 347-сонли қарори қабул қилингунча: тадбиркорларни рўйхатга олиш муддати ва тартибини бузиш бўйича, мисол учун 2001 йилда 73500 та қонунбузарлик аниқланган эди).

Жорий йилнинг биринчи ярим йилида адлия органларининг ташаббуси билан тадбиркорларнинг, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг манфаатини кўзлаб судларга 14,2 млрд. сўмлик 6583 та даъво аризаси киритилди, бу эса ўтган йилнинг шу даврига қараганда икки баравар кўпдир. Шундан 2439 та ариза бевосита 612 нафар мансабдор шахснинг чўнтагидан 159,5 млн. сўмлик етказилган моддий ва маънавий зарарни ундиришга қаратилган.

Адлия вазирлиги томонидан қонунчиликнинг ижроси юзасидан жойларда ўтказилган ўрганишлар шуни кўрсатадики, айрим давлат идораларининг раҳбарлари ҳанузгача тадбиркор фаолиятига аралашиш мумкин эмаслигини тушуниб етмаяпти. Бу тўғрида, жумладан, туман ҳокимлари томонидан тадбиркорларнинг маблағларини турли тадбирларни молиялаш баҳонасида ноқонуний жалб қилиш ҳолатлари далолат бермоқда. Фақат, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган ва Сирдарё вилоятларида ўтказилган ўрганишларда ҳокимларнинг 170 та қарорлари билан 1492 та тадбиркорнинг маблағлари ноқонуний жалб этилгани аниқланди. Адлия идоралари томонидан ноқонуний қарорларни бекор қилиш чоралари кўрилди.

Ўрганиш натижаси бўйича мавжуд вазият чуқур таҳлил этилган ҳолда вилоят ҳокимларига тақдимномалар киритилди. Тадбиркор ҳуқуқи бузилган ҳар бир ҳолат, токи бузилган ҳуқуқлар тикланиб, айбдор шахслар жавобгарликка тортилгунга қадар, адлия идоралари назоратида туради. Натижада, 1572 та мансабдор шахс, шу жумладан, 179 та ҳокимлик, 202 та тижорат банклари, 537 та назорат қилувчи идоралар ходимлари интизомий жавобгарликка тортилди. Шундан 274 та айбдор мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилди (ўтган бир йил бўйича эса — 290 нафар), (30 нафари ҳокимлик, 92 нафари бошқа назорат қилувчи идоралар, 30 нафари тижорат банклари ходимлари).

Қишлоқ хўжалик корхоналари ва оила пудратчилари ҳуқуқий билимлари етишмаганлиги сабабли шартномалар тузишда хатоларга йўл қўяётганлари оқибатида моддий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолиш ҳоллари кўп учрарди. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўзларининг устун мавқеидан фойдаланиб, шартномалар тузишда ўзларининг жавобгарлигини белгиламасдан, фермерларни нотенг шароитларга қўймоқдалар. Бу масала бўйича ҳам фермерларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Текширишлар шуни кўрсатдики, шартномалар тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашдаги асосий камчиликлар Пахтасаноат, Донмаҳсулот, Ўзбек ипаги, Нефт маҳсулотлари, Қишлоқхўжаликкимё ва Агромашсервис корхоналари фаолиятида содир бўлмоқда. Адлия вазирлиги томонидан ушбу ташкилот раҳбарларига тақдимномалар киритилди ҳамда бу масалага ўз муносабатларини тубдан ўзгартириш ва айбдор шахсларга қаттиқ чоралар кўриш талаб этилди. Натижада тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг 501 нафар ходими интизомий жавобгарликка тортилди, шундан 96 таси вазифасидан озод қилинди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 141 мингта хўжалик ва 119 мингта ички хўжалик шартномалари ўрганилиб, адлия идораларининг талабига кўра 31 мингдан ортиқ шартнома қайта туздирилди. Шунингдек, шартнома мажбуриятларини бажармаётган тарафларга адлия идораларининг ёрдами билан умумий миқдори 1,2 млрд. сўмлик 858 та талабнома киритилди.

Президентимиз кўрсатмасига асосан Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил январь ойида 13 мингдан ортиқ тадбиркор орасида ўтказилган социологик сўров якунлари асосида республиканинг ҳар бир тумани ва тегишли идоралар миқёсида электрон маълумотлар базаси яратилди. Сўров натижалари барча туманларда ҳокимлар, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар ходимлари ва тадбиркорлар иштирокида кескин муҳокама этилди, мавжуд вазиятни тўғрилаш бўйича чоралар белгиланди.

Бундан ташқари, юқорида қайд этилган маълумотлар базасига Адлия вазирлигининг охирги 3 йил давомида ўтказган текшириш материаллари ва 2001 йилда ҳам тадбиркорлар орасида ўтказилган сўров натижалари жамланган. Бу эса, ҳар бир туманда қонунчиликка риоя этилиш ҳолатини, унинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда чуқур таҳлил қилиш ва энг асосийси, йилдан-йилга мунтазам равишда такрорланиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини қўпол равишда бузиб келаётган муайян амалдорларни аниқлаш ва уларга нисбатан жиддийроқ ҳуқуқий жавобгарлик чораларини қўллаш имконини бермоқда. Бугунги кунда республикамизнинг ҳар бир туманидаги аҳвол бизга маълум.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Хорижий инвестициялар ва улар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси ва вилоят адлия бошқармаларида тегишли бўлимлар ташкил этилди. Ушбу тузилмалар малакали кадрлар билан таъминланиб, улар ўз хизмат вазифаларини бажаришга киришдилар.

Хорижий инвестицияларни амалга ошириш жараёнида вужудга келаётган муаммоларни батафсил ўрганиб чиқиб, уларни бартараф қилиш бўйича ҳукуматга зарур таклифлар киритилди.

Назорат қилувчи идораларнинг ходимлари ишига баҳо беришда, тадбиркор фаолиятида албатта қандай бўлмасин камчилик топиши шарт деган мезон белгиланган, акс ҳолда бу ходим самарасиз ишламоқда деган амалиёт мавжуд. Бу ҳолат эса текширувчи ходимларни «тирноқ остидан кир қидириш»га ундайди ва тадбиркорларни оғир аҳволга солиб қўяди.

Кўп ҳолларда текширувчилар тадбиркор йўл қўйган камчиликнинг хусусияти ва айбдорлик даражасидан қатъи назар негадир, оғирроқ жазони қўллаш шарт деб ҳисоблашади. Битта ходимнинг қарорига асосан, корхоналар ёпилиб, уларнинг фаолиятини узоқ муддатларга тўхтатиш, ўнлаб одамларнинг ишсиз қолиш ҳолатлари учрамоқда. Табиийки, шу даврда бюджетга ҳам солиқ тушмайди.

Бироқ, бундай салбий оқибатларга айрим назорат қилувчи органлар ходимлари бефарқ қарайдилар. Шунинг учун ушбу ваколатларни молия ва иқтисод масалаларини тушунадиган, фойда ва зарарни ҳисоблай оладиган идорага юклатиш мақсадга мувофиқ. Шу ўринда тадбиркорларни текшириш ваколатларини фақат солиқ идораларида қолдириш масаласини муҳокама қилиш керак деб, ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, корхона фаолиятини тўхтатиб қўйиш, лицензиясини бекор қилиш, мол-мулки ва маблағини мажбурий тартибда олиб қўйиш, катта миқдордаги жарималар солиш каби жиддий ҳуқуқий санкцияларни фақат суд томонидан қўлланиш масаласиниям кўриб чиқиш керак.

Барча тегишли идоралар, кенг жамоатчилик, ҳокимликлар шуни яхши билиб хулоса чиқариб олишлари керакки, фермерлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этиш, улар манфаатига зид бўлган ҳар қандай ҳолатларга қарши курашни бир зум ҳам тўхтатмаймиз. Бу масалада республика Бош прокурори билан келишиб олганмиз. Қонунни бузувчи, амалини суиистеъмол қилувчи, оёғи ердан узилиб, ўзини хон, кўланкасини майдон санаб юрганлар, таъмагирлар билан ҳеч қачон муроса қилинмайди. Уларга қарши изчил, қатъий кураш олиб бориламеради. Фермер ҳақига хиёнат қилган, уларнинг эркин фаолиятига аралашган, йўлига ғов бўлганлар, ноқонуний текшириш ўтказганлар қонун олдида жавоб беришлари муқаррар. Биз вилоятлар адлия бошқармаларига талаб қўйганмиз, бундай раҳбар ёки масъул ходимни эгаллаб турган лавозимидан маҳрум қилиш масаласи мутасадди идоралар олдига қўйилади.

**Абдусамат ПОЛВОН-ЗОДА,**
**Ўзбекистон Республикаси адлия вазири**

**Шарҳловчи минбари**

# ТЕРРОР ТАШҚИ ДУШМАНДАН ХАВФЛИ





Террорнинг нималигини, унинг ижрочилари фақат тинч аҳоли ҳаётига таҳдид қилишини ва шу хунрезликлар фақат ва фақат қайғу-алам, бегуноҳ оилаларга мотаму ситам олиб келишини билмайдиган одам топилмаса керак. Негаки, терроризмнинг даҳшатини тотиб кўрмаган давлат қолмади ҳисоб.

Терроризмнинг ташқи душмандан хавфлилиги шундаки, «Одам оласи ичида» деганларидек, унинг кирдикорлари мамлакат ичида — газак олиб, яра ёрилгунча халқ орасида бўлади. Яра ёрилгач унинг кимлиги аён бўлиб қолади. Шу боисдан ҳам кўпгина давлатлар ғафлатда қолмоқда. Ва шунинг учун ҳам бирор бир кун йўқки, дунёнинг у нуқтасида ёки бу нуқтасида террорчилик акти содир этилмаган бўлсин.

Биргина ўтган ҳафтанинг ўзида дунёнинг уч меҳварида террор хунрезликлари амалга оширилди. Яъни жума куни Туркиянинг Анқара шаҳридаги Адлия вазирлиги ўқув маркази ҳудудида номаълум шахслар томонидан атай қолдириб кетилган портловчи ускуна зарарсизлантирилаётган пайтда портлаб кетди. Натижада 16 полициячи тан жароҳати олди. Associated Press агентлигининг хабар беришича, улардан икки нафари ҳозир оғир аҳволда.

Туркиядаги экстремистик гуруҳларнинг бирортаси бу воқелик бўйича масъулиятни ўз зиммасига олмаган.

Шанба куни эрталаб эса Байрут шаҳрида содир этилган машинадаги портлаш оқибатида икки киши дунёдан кўз юмди.

Портлаш содир этилган жой Ливан хавфсизлик кучлари томонидан ўраб олиниб, фожиа юзасидан текширув-қидирув ишлари олиб борилмоқда.

Энг ачинарлиси шуки, 5 июль куни Россиянинг Тушино аэродромида аёл-камикадзелар томонидан содир этилган фожиа қайғулари ҳали совиб улгурмай Россия халқи қалбини яна террорчилик хунрезлиги яралади.

Гап шундаки, 1 август куни кеч соат 19 ларда Шимолий Осетиянинг Моздак шаҳридаги ҳарбий госпитал дарвозасини портловчи моддалар юкланган «КамАЗ» машинаси бузиб кириб, госпитал ҳудудида портлади. Натижада госпитал биноси бутунлай қулаб тушди. «Новости» ахборот агентлиги хабарига кўра, 50 киши фожиа қурбонига айланди. Ҳозирча улардан 40 нафарининг шахси аниқланди. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги маълум қилишича, содир этилган террорчилик акти натижасида жабрланганлар 107 кишини ташкил этди, шундан 82 нафари оғир жароҳат олганлиги туфайли шифохоналарга ётқизилди. Улардан 10 нафарининг аҳволи оғир. 19 кишига тиббий ёрдам кўрсатилгач, уйларига кетишга рухсат берилди.

Маълумотларга қараганда, портлаш пайтида госпиталда 120 дан ортиқ киши бўлган. Улардан 28 нафари тиббиёт ходими, қолгани эса беморлар эди. Бундан ташқари, госпиталга ташриф буюрганлар ҳам бор эди. Уларнинг қанчалиги ҳали номаълум.

Портлаш шунчалар кучли бўлганки, унинг қуввати 1 тонна тротил қуввати билан тенг эди. Шунинг учун ҳам портлаш содир этилган жойда эни 5 метр, узунлиги 9 метр атрофида 2 метрли чуқурлик ҳосил бўлган. Бундан ташқари Моздак тумани маъмурияти вакили Руслан Боразовнинг таъкидлашича, парда тикиш фабрикаси, гўшт комбинати, 1559-автоколонна, картон фабрикаси, 5- ва 108-ўрта мактаб, болалар боғчаси, шунингдек, яқин атрофдаги турар-жой бинолари ҳам зарар кўрди.

Қутқарув-қидирув ишларида 1130 киши — қутқарувчилар, Мудофаа вазирлиги ва ички қўшинлар ҳарбийлари, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари қатнашди. Шунингдек, 6 та қутқарувчи ит, 87 та техника, 10 та тиббий тез ёрдам жалб этилди.

Россия Президенти Владимир Путин топшириғига биноан Россия Мудофаа вазири Сергей Иванов шанба куни эрталаб воқеа жойига етиб келди. Иванов, шунингдек, федерал хавфсизлик хизмати директори Николай Патрушев ҳамда бош прокурор Владимир Устиновларга қўриқланаётган объектда террорчилик содир этилишининг сабабларини аниқлаш, айбдорларни топиш масаласи шахсан Президент томонидан алоҳида уқтирилди. Мазкур фожиа юзасидан «терроризм» ва «қотиллик» моддалари бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Дарвоқе, 1 августдан навбатдаги меҳнат таътилига чиққан Шимолий Осетия президенти Александр Дзасохов ҳам шанба куни тонгда Москвадан Моздокка етиб келди. Унинг айтишича, портлаш оқибатида жарбланганларнинг оилаларига 100 минг рублдан моддий ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, Россия ҳукумати ҳам бу борада махсус қарор тайёрламоқда. Кеча эса қурбон бўлганлар хотирасига Шимолий Кавказда мотам куни, деб эълон қилинди.

Президент Путин террорчилик актида қурбон бўлганларнинг оила аъзоларига чуқур қайғу билан ҳамдардлик билдирди. Оқ уй матбуот котиби Скот Мак-Клеллан мазкур воқеа юзасидан баёнот берди. «АҚШ ушбу террорчилик актини муҳокама этди. Воқеа сабаби қандай бўлишидан қатъи назар — миллий бўладими, ё этник ёки диний ёинки сиёсий бўладими — барибир терроризмни оқлаб бўлмайди» дейилади баёнотда.

Дарҳақиқат, террорнинг ҳар қандай кўриниши билан муроса қилиб бўлмайди. У давлат ва халқ ичини емирувчи офатдир. Тинчликда, шоду хуррамликда, ота-она, бола-чақа даврасида бахтиёр яшашни истаган ҳар бир одам бу офатга қарши туриши шарт. Бунинг учун аввало огоҳликни унутмаслигимиз лозим.

**Алимқул СУЛТОН**

### ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

Перу ҳукумати мамлакатнинг собиқ президенти Альберто Фухиморини Перу ихтиёрига беришларини талаб қилиб, Япония ҳукуматига мурожаат этди.

Гап шундаки, Фухимори 2 йил аввал ҳукумат доирасида жанжал бошланганлиги сабабли Япониядан сиёсий бошпана топган эди.

Японияning Перудаги дипломати Ясуши Сатонинг хабар беришича, Япония Ташқи ишлар вазирлиги талабномани олган, аммо Фухиморини Перунинг ҳозирги ҳукумати ихтиёрига бериш-бермаслик Япония миллий қонунчилиги доирасида ҳал этилади.

Перу ҳукуматининг Фухиморини талаб этаётганлигига сабаб, уни суд қилишдир. Фухимори порахўрлик, қотиллик ва ўғриликда айбланмоқда, дейилади Associated Press ахборотида.

### МИНАЛАРДАН ТОЗАЛАШ УЧУН

БМТнинг ривожланиш дастурига кўра амалга ошириладиган Албания ҳудудини миналардан тозалаш ишларига Европа Иттифоқи 2 миллион евро ажратди.

Косово можаролари пайтида Албания ҳудуди миналаштирилган бўлиб, бугунги кунда бу миналар одамлар ҳаётини хавф остида қолдирмоқда, фермерлар деҳқончилигига тўсиқ бўлмоқда.

Албаниянинг Косово чегарасидаги ҳудудда 13 полициячи минага дуч келган ва портлаб кетган, дея хабар беради Reuters ахборотида.

### ҚАЙМОҚ ДАРЁГА ОҚИЗИЛДИ

Франциянинг Сарбур шаҳарчасидан ўтадиган Саар дарёсига 3 минг литр қаймоқ оқизиб юборилганлиги боис дарёнинг деярли ярим километрлик масофасини оппоқ қаймоқ эгаллаб қолди, дейилади «Новости» ахборотида.

Қизиғи шундаки, бу қаймоқ истеъмолга яроқли эди.

Маълум бўлишича, маҳаллий сут заводи ишчилари қаймоқни сўнгги бор тозалаш учун юбориладиган «ванна»нинг қувури жўмрагини очиш ўрнига янглишиб чиқинди оқизиладиган қувурнинг жўмрагини очиб юборишибди.

Воқеа жойига етиб келган қутқарув-текширув хизмати ходимлари завод ходимларининг «совуққонлиги»га нисбатан далолатнома тузмай қўя қолишди. Негаки, уларнинг қаймоғидан балиқлар ҳам татиб кўришди-да. Ахир қаймоқ атроф-муҳитни ифлослантирмади, балки балиқларга озуқа бўлди.

### РАД ЭТДИ

Буюк Британия парламенти комиссияси Гибралтар бўғози масаласи бўйича тайёрланган икки томонлама суверенитетни назарда тутувчи битим лойиҳасини рад этди.

Ҳукумат комиссиясининг халқаро алоқалар бўйича вакили берган баёнотда айтилишича, Гибралтар масаласи бўйича Испания ва Буюк Британия ўртасида тузилажак битим лойиҳаси ҳаётий эмас.

Буюк Британия аввалроқ баёнот берган эдики, тортишувга сабаб бўлаётган Гибралтарнинг бу ҳудудини (унда яшаётган 30 минг аҳоли буни хоҳлаётган бўлишига қарамай) Испания ихтиёрига ҳеч қачон бермайди.

Испания ўз ҳудудининг жанубидаги бу майдонни 1713 йили Буюк Британия тасарруфига берган эди. Энди уни қайтариб олиш учун узоқ йиллардан бери ҳаракат қилмоқда, дейилади Reuters ахборот агентлиги хабарида.

**Иқтисодиёт ва ислоҳот**

# БАНКНИ МИЖОЗНИНГ ЎЗИ ТАНЛАЙДИ

## «ПАХТА БАНК» ФАРҒОНА ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИНИНГ ШИОРИ ШУНДАЙ

«Фер-Кон Текстайл» фирмасининг раҳбари Шуҳратжон Маматхонов табиатан серғайрат, ташаббускор бўлганлиги боис ўзи ўйлаб қўйган режани амалга оширмагунича кўнгли жойига тушмайди. Тиниб-тинчимас бу йигит ҳозирча юртимизда камёб бўлиб турган тўқимачилик конуси ишлаб чиқаришни мўлжаллаб қўйди. Мақсадини амалга ошириш учун «Пахта банк»нинг Марғилон шаҳар бўлимига борди. Инвестицион лойиҳа тузилди. Тўқимачилик конуси ишлаб чиқариш бўйича лойиҳани амалга ошириш 263100 долларга тушарди.

Фарғона шаҳрининг Қиргули туманида жойлашган ушбу фирма учун Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки кредит линияси ҳисобидан 220000 АҚШ доллари қийматидаги маблағ кредит сифатида ажратилди. Қолган маблағни фирманинг ўзи қўшди. Жанубий Кореянинг «Хадо ресурсес» фирмаси билан тузилган шартномага кўра шериклар лойиҳа учун технологик линияларни етказиб берди. Қисқа муддатда корхона тахт ҳолга келди. Ишлаб чиқариш бошланди. Эндиликда бу ерда ҳар куни 40-45 минг дона импорт ўрнини босувчи конуслар тайёрланмоқда.

Яқинда биз «Пахта банк» Фарғона вилоят бошқармасида Маъмуржон Қобилов деган йигит билан ҳам учрашиб қолдик. У Қўқондаги «Парнас» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг раҳбари экан. Сунъий қоп ишлаб чиқариш бўйича инвестицион лойиҳа тузибди. «Пахта банк»нинг Қўқон бўлими орқали Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки кредит линияси ҳисобидан 309035 АҚШ доллари миқдорида кредит олишибди.

— Бу иш аро йўлда қолиб кетмайдими, ишқилиб? Технологияни қаердан олиб келдиларингиз?

— Йўғ-э, нималар деяпсиз? Ишни йўлга қўйдик. Хитойнинг «Шижиазхуанг Хуанг» компанияси билан шартнома тузиб, уни амалга ошириш учун аккредитив очдик. Линия келди. Май ойи охирларида монтаж ишлари бошланди. Яқинда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Йилига 5 миллион дона сунъий қоп ишлаб чиқарадиган корхонамизда қирқ беш киши иш билан таъминланди.

Ҳозир тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ЕТТБ кредит линияси орқали кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш Япония-Ўзбекистон дастури доирасида субъектларга микро ва кичик кредитлар бериш мақсадида вилоят «Пахта банк» бошқармаси бўлимлари ҳамда филиалларида алоҳида бўлимлар ташкил этилди. Уларнинг иш фаолияти бошқа банклардан фарқли ўлароқ, банкка салоҳиятли мижозларни жалб қилиш, Кредитлар асосан ишлаб чиқариш ва савдо соҳаларида айланма маблағларни шакллантириш ҳамда хизмат кўрсатишни ривожлантириш мақсадларига ажратилмоқда. Масалан, бошқарма бўйича шу йил 1 июнь ҳолатига кўра, икки юз нафар мижозга 366 миллион сўм кредит берилди.

ЕТТБ кредит линияси ҳисобидан узоқ муддатли инвестицион лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда. «Пахта банк» вилоят бошқармаси ҳозиргача бешта инвестицион лойиҳани молиялаштирди. «Қўқон-Нон» шўъба корхонасининг (раҳбари Олимжон Тошпўлатов) 860800 АҚШ доллари қийматидаги макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш инвестицион лойиҳасига «Пахта банк» Қўқон бўлими хизмат кўрсатди. Корхонага лойиҳани амалга ошириш учун Осиё Таррақиёт Банки кредит линияси ҳисобидан ўтган ойда 361998 АҚШ доллари миқдорида кредит берилди. Италиянинг «Ла Манферрина» фирмасидан макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси олиб келинди ва ишлаб чиқариш тезда йўлга қўйилди.

Банкнинг бош мақсади — ўз фаолиятининг барқарорлиги, самарадорлиги, рақобатбардошлиги ва мижозларнинг ҳақиқий ҳамкори сифатида уларга доимий равишда кенг кўламдаги замонавий ва мақбул хизматларни кўрсатиш. Шу маънода кредитлаш — банкнинг асосий ишлаб чиқариш фаолияти дейиш мумкин. «Пахта банк» вилоят бўлими ўзининг ана шу сиёсатини энг аввало кредитлашнинг асосий тамойиллари ижросига қаратмоқда. Аниқроқ айтганда, кредит портфели сифатини яхшилашга, шу билан бирга қўйилмаларни давлатнинг ислоҳот жабҳаси сиёсатига ҳамоҳанг тарзда иқтисодиётнинг реал сектори ҳамда унинг базавий тармоқларига — йирик саноат ишлаб чиқариш корхоналарини молиялаштиришга йўналтирмоқда.

«Қувасойцемент» ҳиссадорлик жамияти учун банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилган 600 миллион, «Кварц» ҳиссадорлик жамияти учун марказлашган ҳолда ажратилган 3 миллиард 150 миллион сўм кредит қўйилмалари тармоқларни янги замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, қайта реконструкциялаш сингари жараёнлар ривожига сезиларли туртки берди.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида юз бераётган ўзгаришлар банкдан унга нисбатан янгича ёндашувни, қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг бозор тартиб-қоидаларини жорий этишни тақозо этади. Қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини вужудга келтириш, қишлоқ хўжалигини замонавий техника, товар, моддий бойликлар билан таъминлаш механизмини янада такомиллаштириш, тараққиёт омили — фермерликни ривожлантириш, уни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш вилоят «Пахта банк»и ходимларининг асосий вазифаси, деб белгиланган.

Шу ўринда яна мисолларга мурожаат қилайлик: Ўзбекистон тумани, Яккатут қишлоғида жойлашган «Умид» фермер хўжалигига (раҳбари Имомали Назаров) икки йил аввал банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан чет эл технологияси олиб келиш мақсадида Исроилнинг «MARAF» фирмасидан сутни қайта ишловчи кичик сут заводини сотиб олиш учун 90 миллион сўм узоқ муддатли кредит ажратилди. Натижада, хўжаликда еттита янги иш ўрни яратилди. Ҳозир мазкур кичик сут заводи туман аҳолиси ва бюджет муассасаларини сут, бринза, йогурт, қаймоқ, сметана каби маҳсулотлар билан таъминлаб келмоқда. Хўжалик эса кредити эвазига ҳар ойда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотдан 25-27 миллион сўмлик тушумга эришмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бошқарма жамоаси қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш, ширкатлар аҳволини яхшилаш, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришига муносиб ҳисса қўшмоқда. Мижозлар билан аниқ ҳисоб-китоб ишлари олиб бориш, бизнес режа ва бошқа ҳужжатларни юритиш масалаларида уларга зарур маслаҳат хизматлари кўрсатмоқда. Минибанклар очиш билан банк хизматини бевосита қишлоққа олиб кириш, семинар-кенгашлар ўтказиш, консалтинг хизматлари кўрсатиш тадбирларини давом эттирмоқда.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

Болалар спорти

# ФАРЗАНДЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

## ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ НАВОИЙ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ДИРЕКТОРИ НУРИДДИН ТОШЕВ БИЛАН СУҲБАТ

**— Нуриддин Рустамович, республика болалар спорти жамғармаси ташкил топганига ярим йилдан ошди. Ўтган даврда қандай ишлар амалга оширилди?**

— Ўтган олти ой мобайнида ташкилий-таркибий ишларга ўралашиб қолмасдан, болалар спорти, унинг келажак ворислари камолотидаги ўрни борасида муайян ишлар қилинди. Айниқса, ёшларнинг жисмоний юксалиши, ақлан улғайиши ва ёши билан боғлиқ хусусиятлар тўлиқ ўрганилиб, болалар спортининг тўрт йўналишли кўрсаткичлари белгиланди. Вилоят бўйича 6 ёшдан 17 ёшгача бўлганлар 222 минг 814 нафарни ташкил этса, улар умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейлар, маҳалла ва қишлоқлар асосида табақаларга бўлиб ўрганилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, вилоят бўйича 2168 нафар бола туғма ногирон ёхуд доимий хасталиги боис у ёки бу спорт тури билан шуғуллана олмайди. Вилоят бўйича болалар спорти аҳволи шу тарзда ўрганилиб, минтақа ва ҳудудларда истиқболли спорт турларини шу кун талаби даражасида ташкил этиш, унинг замонавийлигига эришиш масаласи долзарб қилиб қўйилди. Болалар спорти оммавийлиги, унинг умумхалқ ҳаракатига айланиши хусусида алоҳида тавсиялар ишлаб чиқилди. Бу соҳа ишини мувофиқлаштириш, унинг ошкоралигини таъминлаш мақсадида ҳомийлик кенгаши тузилди. Тўғри, болалар спортини ривожлантириш бир кунлик ёҳуд бир йиллик иш эмас. Ҳали кўп ишлашимизга тўғри келади. Бу ўринда мураббийлик ҳаракатлари, мутахассис спортчи кадрлар тайёрлашни назарда тутаяпман. Шу боис Навоий кончилик ва педагогика институтларида, вилоят халқ таълими бошқармасида, «Ёшлик» кўнгилли спорт жамиятида ихтисос, малака борасида етук тажрибага эга бўлган мутахассислар билан иш олиб борилаяпти. Аксарият устоз, мураббий даражасига эга бўлган кадрлар яна малака ошириш учун Тошкент шаҳрига ўқишга юборилмоқда.

**— Юқорида ҳомийлик кенгаши, истиқболли режалар хусусида гап очдингиз. Шундай экан, болалар спорти ривожини молиялаш, маблағлар йиғиш, улар қайси мақсадларга сарфланаётгани хусусида ҳам тўхталсангиз.**

— Навоий Тоғ-металлургия комбинати, «Қизилқумцемент», «Навоийазот», «Электрокимё» машинасозлик корхона ва заводлари, «Пахтасаноат» акциядорлик жамиятлари бор экан, юкимиз ерда қолмайди. Худди шу ва шунга ўхшаш ҳомийлар кўмаги ўлароқ ҳозирда жамғармамиз фондида 325 миллион сўм маблағ мавжуд. Йил охиригача у 502 миллион сўмга етади. Бу дегани янги-янги болалар спорти комплекси, иншоотлари демакдир. Молиявий қўллаб-қувватланиш натижасида биз 2003-2005 йиллар давомида вилоятда 11 та у ёки бу кўринишдаги спорт муассасаси қуришни режалаштирдик. Жорий йилнинг ўзида Зарафшон шаҳрининг Мурунтов қўрғони ҳамда янги Зарафшон мавзеида, Қизилтепа туманининг «Робот» маҳалласида, Навоий шаҳрининг 17-кичик туманида болалар спорт мажмуалари қуришга киришиляпти. Хатирчи, Конимех, Навбаҳор, Навоий туманларида, олис Учқудуқ, Зафаробод шаҳарларида ҳам босқичма-босқич болалар спорт ўйингоҳлари барпо этилади.

Вилоятда бугунги кунда 13 та катта-кичик стадион, 13 та сузиш ҳавзаси, 190 та спорт зали, 222 та баскетбол, 461 та волейбол, 171 та қўл тўпи, 18 та теннис корти, 7 та енгил атлетика майдони, 158 та кичик футбол майдони, 60 та тир (милтиқ отиш жойи) бўлса-да барибир кам. Жами 1559 та спорт иншоотининг ҳаммасини ҳам талаб даражасида, деб бўлмайди. Шунинг учун ҳали кўп ишлашимизга тўғри келади.

**— Кўп ҳолларда бошқа спорт турларида бўлгани каби болалар спортида ҳам махсус кийим-кечак, зарур спорт воситалари етишмаётганлиги, борлари ҳам талабга жавоб бермаётганлиги кузатилади. Бу аҳвол вилоятда қай тартибда ҳал этилаётир?**

— Тўғри, замонавий, талаб даражасидаги махсус спорт кийим-боши ҳамма жойда ҳам етарли, деб бўлмайди. Ана шулардан келиб чиқиб, ҳомийлар томонидан Конимех, Нурота, Томди туманлари мактабларига зарур спорт анжомлари харид қилиш учун қарийб 70 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Навоий шаҳри, Кармана туманидаги «Меҳрибонлик» уйларига, Қизилтепа махсус мактаб-интернатга етарли миқдорда спорт анжомлари олиб берилди. «Навоийавтойўл» акциядорлик жамияти Навоий шаҳар «Гулистон» маҳалласи учун, «Қизилқумцемент» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти янги спорт мажмуаси учун, «Пахтасаноат» акциядорлик жамияти темир йўл вокзали ҳудудидаги маҳаллий ёшлар спорт комплекси учун, Навоий «Электр тармоқлари» корхонаси «Умид» маҳалласи ўқувчилари учун футбол, волейбол, баскетбол майдончалари ҳозирлашаяпти.

**— Мавжуд муаммолар, ҳал этилиши зарур бўлган долзарб вазифалар хусусида ҳам фикр билдирсангиз.**

— Ечимталаб муаммо бу — малакали мутахассис спортчи кадрлар етишмаслигидир. Вилоят чўл ва ярим чўл минтақалари умумтаълим мактабларида 110 нафар устоз-мураббий, 47 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси, спорт йўриқчиси иш ўринлари малакали мутахассисга муҳтож. Аксарият туман ва шаҳарларда камондан отиш, бокс, от спорти, стол тенниси, турон якка кураши бўйича мураббийлар йўқ ҳисоби.

Оқсаройда Президентимиз раислигида бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик Кенгашининг навбатдаги мажлисида спорт — жонкуярлар, ўзини шу ишга бахшида этганлар иши, деб таъкидланиши бежиз эмас. Ўзини яхши кўрган, ўзлигини таниган инсон спортни, спортчини севади. Уни қўллаб-қувватлайди. Юртбошимиз қайд этганидек, биз яна битта буйруқбоз, қоғозбоз ташкилот очмадик. Ўзимизни болалар спорти ривожига, соғлом, жисмоний бақувват йигит-қизлари камолотига бағишлаган эканмиз фақат ишламоғимиз, ишлаганда ҳам ўзни бағишлаб, ёшлар эртасини ўйлаб ишлашимиз керак!

**Суҳбатдош:**
**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## Ҳикматли сўзлар маъноси

### Жўжани кузда санайдилар

Вар.: «Чучварани хомлигида санама, Жўжани каллигида санама»; «Чучварани пишириб сана. Жўжани — очириб». Жўжа баҳорда, ёзнинг бошида тухумдан очиб чиқади. Бу пайтда ҳали унинг бошига пар чиқмаганлиги учун «кал» деб атайдилар. Жўжалар то кузга боргунча, яъни катта бўлиб, ўзини-ўзи эплай оладиган, ўзини мудофаа қиладиган бўлгунча, қанчасини тулки, мушук, калхат ва ҳ.к. еб кетади, қанчаси бирор шикаст топиб, нобуд бўлади. Кузгача омон-эсон етиб борганларигина ҳақиқий жўжа, кейинчалик товуқ, хўроз бўлади. Чучварани ҳам тугилгандан кейин санаб ўтириш — бефойда. Чунки у қозонга тушгандан кейин то пишгунича қанчаси очилиб, ёрилиб, сувга чиқиб кетади. Юқоридаги мақолларни мажозий маънода ҳали бир ишни бошламай туриб ёхуд бир ишга эндигина қўл уриб: «Ана ундай қилиб юбораман, мана бундай қилиб юбораман», «Мана бунча уруғ экдим, ана унча ҳосил оламан» ва шу каби гапларни айтиб, мақтанувчи одамларга: «Ҳали шошмай туринг, бу ёғи нима бўлади-ю, нима қўяди. Иш битгандан кейин гапиринг-да» деган маънода айтадилар.

### Жонингни фидо қилсанг қил, номусингни фидо қилма

Номус — шундай бир муқаддас, пок, соф, олий нарсаки, уни сақлаш инсон учун бениҳоя зарур. Ор-номусини сақламоқ учун қанчадан-қанча одамлар ҳатто жонларини ҳам фидо қилиб юборганлари тарихдан маълум. Мазкур мақол билан номусини сақлаш нечоғлик зарур эканлигини уқтирадилар. «Жисмон азобидан — виждон азоби оғир» деган мақол ҳам борки, бу билан: «Жисминг оғриса, жароҳатланса, дори-дармон қилиб тезда тузатиб оласан. Аммо виждонинг оғриса, унинг азобига чидай олмайсан, бу азобдан узоқ вақт қутула олмайсан.


**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ**
**Тошкент шаҳар филиали**

**2003 йил 5, 12, 19, 26 сентябрь кунлари аукцион савдоларини ўтказади**

**Аукцион савдоларига:**

«TOSHSHAHARNUR» давлат унитар корхонасига қарашли Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Мирзо Ҳайдар кўчаси, 3-уйда жойлашган, «ELEKTRMONTAJ SOZLASH BOSHQARMASI» мол-мулклари (биносиз) қўйилади.

**Бошланғич нархи — 16 380 700 сўм ёки 23 556 АҚШ доллари.**

Аукцион савдоларига аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Моваруннаҳр. 16А.**

Савдоларда қатнашиш учун объект нархидан 10% миқдорида закалат пули тўланади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.**




# КУЧЛИЛАР ПОПДА АНИҚЛАНДИ

Поп шаҳрида белбоғли кураш бўйича навбатдаги Ўзбекистон чемпионатига якун ясалди. Унда Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан ташриф буюрган юз нафардан зиёд полвон ғолиблик учун гиламга чиқди.

Етти вазн тоифасида ўтказилган беллашувларда водийлик полвонларга тенг келадигани топилмади ва чемпионатнинг олтин медаллари уларга насиб этди. Муросасиз баҳсларда Рустам Умаров (60 кг.), Собиржон Мирзадавлатов (66 кг. иккаласи ҳам Наманган), Валишер Каримов (73 кг.), Улуғбек Маматов (81 кг. иккаласи ҳам Фарғонадан), Нуриддин Ғозиев (90 кг. Наманган), Анвар Абдимўминов (100 кг. Фарғона), Оятилла Ҳакимов (+100 кг. Андижон)лар ғолиб чиқиб, Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлдилар.

— Бу йилги мусобақа якуни курашимиз савияси анча ошганлигини кўрсатиб берди, — дейди Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси бош котиби Рустамжон Исоқов. — Айниқса, белбоғли курашнинг мамлакатимизда мунтазам ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» республика спорт ўйинлари дастурига киритилганлиги туфайли янги-янги истеъдодлар кашф этилмоқда. Ана шундай умидли ёшлар ўз навбатида мамлакат чемпионлигига даъвогарлик қилаётганлиги кишини қувонтиради. Бундан беш-олти йил илгари курашларда кимнинг ғолиб чиқишини олдиндан башорат қилиш мумкин эди. Аммо ёшларимизда маҳорат ва тажрибанинг йилдан-йилга ортиб бораётганлиги энди бунга йўл қўймаяпти. Бу йилги мусобақада ҳам кучлилар номи финал беллашувларидан кейингина аниқланди.

**Суратларда: мусобақадан лавҳалар.**

**Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар**



Интер-спорт

## Хитой олимпиадасининг рамзи

2008 йили Хитойда ўтказиладиган XXIX Олимпия ўйинларининг рамзи тасдиқланди. Йирик халқаро спорт байрамининг бу рамзи югураётган киши тимсолида бўлиб, «Хиромон Пекин» маъносини англатар экан. Қизил майдон бўйлаб югураётган кишининг ўзига хослиги бор. Чунончи, бундай манзара «пойтахт», яъни Пекин маъносини билдиради. Бўлажак Олимпия ўйинлари рамзининг тақдимот маросими ўзига хос воқеага айланди. Маросим Пекиндан тўғридан-тўғри телевидение орқали олиб кўрсатилди ва бундан жаҳондаги 400 миллионга яқин мухлис баҳраманд бўлди. Энди «Хиромон Пекин» рамзи мамлакат реклама компаниясининг асосий «машғулоти»га айланади. Кейинги беш йил мобайнида янги рамз телевизор экранлари, реклама ва газеталарда кўзга ташланаверади.

Beijing 2008

## Тайсон банкротга учради



Моҳир боксчи, ўта оғир вазнли собиқ жаҳон чемпиони, Майк Тайсон ўзини банкротга учраганлигини эълон қилди. Боксчининг адвокатлари сўзига қараганда, бундай нохушлик масаласида суд ҳимоясига таянмоқда. У банкротлик тўғрисидаги федерал қонуннинг 11-моддасига мувофиқ мазкур масалага ойдинлик киритишни истайди. Аниқланишича, боксчи ринг жангларида ишлаб топган маблағидан оз эмас, кўп эмас 300 миллион доллар сарфлаб қўйган экан.

— Профессионал боксчи ўзининг молиявий ишларини маслаҳатчиларига ишониб ана шундай аҳволга тушган, — дейди Тайсоннинг адвокати Дебра Грассгрин. — Энди Тайсон молиявий ишларини тартибга солиш учун бундай юмушлар билан ўзи шуғулланмоқчи.

Шунингдек, Тайсон 1995 йили қамоқдан чиққач, яна ўнгланиш ва обрў топиш масаласида бокс учрашувлари ташкилотчиси ва хайрихоҳи машҳур Дон Кингга ҳам 100 миллион доллар сарфлаган экан. Бу масала шу йил сентябрда кўриб чиқилиши кутилмоқда. Тайсон шунингдек, ўзининг собиқ хотинига 6,5 миллион доллар бериши лозим. Агар у олажак даромадларидан қарзни вақтида узмаса, бу рақам 9 миллионга етиши мумкин экан. Кейинги йилларда Тайсон қимматбаҳо буюмлар, «Бентли» автомобили, алоҳида уй-жой ва совға-саломлар учун миллион доллар сарфлаб юборган. Бунинг устига у ўзининг уйларидан бирида қимматбаҳо бенгаль йўлбарсини ҳам сақлаётган экан.

# ТАРАДДУД ҚИЗҒИН

Уяли алоқа, электрон почта, интернет, рақамли телефон алоқаси... Булар луғат бойлигимизга кириб келган янги сўз ва иборалар.

Техника ва технологияларни янада тараққий эттириш, такомиллаштириш учун эса малакали, билимли, айниқса, физика ва математика фанларини чуқур ўзлаштирган ёшлар керак бўлади. Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Телекоммуникациялар лицей-интернати айни шу фанлар бўйича кенгроқ билим берадиган таълим муассасасидир.

Лицей-интернатга республиканинг барча вилоятларидан, Қорақалпоғистон Республикасидан ўқувчилар қабул қилинади. Уч маҳал иссиқ овқат, ётоқхона билан таъминланган ёшлар дарсдан ташқари вақтларда маслаҳат машғулотларига, турли тўгаракларга, жисмоний тарбия ва спорт секцияларига қатнашадилар.

— Биз лицей-интернатнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, унга тажрибали, илмий даража ва унвонларга эга бўлган ўқитувчиларни жалб қилишга катта аҳамият бермоқдамиз, — дейди университет ректори, техника фанлари доктори, профессор Содиқжон Қосимов. — Айни лицей-интернатимиз битирувчилари келгусида университетнинг фаол, иқтидорли талабаларига айланмоқда, жойларда информацион технологияларни жорий қилишга, махсус факультетни тугатган талабалар эса Ватан мудофаа қудратини кучайтиришга ҳам ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Шу кунларда лицей-интернатда янги ўқув йилига қизғин тараддуд бормоқда.

**Абдували ИСРОИЛОВ,**
**физика-математика фанлари номзоди**

Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат қурилиш банки «Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ходимлар билан ишлаш департаменти директори

**Абдувоҳид МАМАДАЛИЕВнинг**

бевақт вафоти муносабати билан чуқур қайғуради ҳамда марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.


**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!**

**Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази 2003 йил 8,15,22,29 август, 5,12,19,26 сентябрь кунлари Давлат мулки қумитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида соат 11-00да танлов савдолари ўтказади.**

**Танлов савдосига Ҳамза тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Жюлио-Кюри кўчаси, 1-уйда жойлашган 198-сонли болалар боғчаси қўйилади, бошланғич нархи — 14045900 сўм.**

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидиги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биноси ва иншоотларини қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган муассасани замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биноси ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва маъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.
8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда саклаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Танловда юридик ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Харидорлардан аризалар қабул қилиш савдо кунидан 3 кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт.

**Танловда қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:**
**Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Моваруннаҳр кўчаси, 16а-уй, 402-хона. Телефонлар: 133-20-74, 132-25-51.**



BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Sohibjon SALIMOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.



«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



Г — 762
7731 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA